

Инновацион иқтисодиёт: муаммолар, вазифалар, ечимлар

Нурислом ТЎХЛИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тошкент, Ўзбекистон
tukhliev47@mail.ru

Аннотация

Мақолада инновацион иқтисодиётнинг моҳияти, уни шакллантириш зарурати, бу борадаги муаммолар, вазифалар, ечимлар, Ўзбекистонда кейинги йилларда юқори технологияли, замонавий иқтисодиётга ўтиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда буларнинг дастлабки натижалари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: инновация, инсон капитали, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), инфляция, диверсификация, инвестиция, кластер, технопарк, стартап, венчур.

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА: ПРОБЛЕМЫ, ЗАДАЧИ, РЕШЕНИЯ

Нурислом ТУХЛИЕВ

доктор экономических наук, профессор
Международный исламской академии Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
tukhliev47@mail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются сущность инновационной экономики, необходимость ее формирования, проблемы и задачи в этой области, а также пути их решения, реализуемые в последние годы в Узбекистане меры по переходу на высокотехнологичную, современную экономику и их предварительные результаты.

Ключевые слова: инновация, человеческий капитал, научно-исследовательские и опытно-конструкторские разработки (НИОКР), инфляция, диверсификация, инвестиция, кластер, технопарк, стартап, венчур.

INNOVATIVE ECONOMICS: PROBLEMS, TASKS, SOLUTIONS

Nurislom TUKHLYEV

Doctor of Economics, Professor
International Islamic Academy of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
tukhliev47@mail.ru

Annotation

The essence of innovative economics, the need for its formation, problems and tasks in this area, as well as ways to solve them, measures implemented in Uzbekistan in recent years to transfer to a high-tech, modern economy and their preliminary results are discussed in the article.

Keywords: innovation, human capital, research and development (R&D), inflation, diversification, investment, cluster, technology park, startup, venture.

Дунёда кечаётган муҳим ижтимоий-иқтисодий тенденциялардан бири – инновацион иқтисодиётга ўтиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо давлатлар сони 35 нафарга етди. Хусусан, Ғарбий Европа ва Скандинавия мамлакатлари, Япония, Австралия ва Янги Зеландия инновацион иқтисодиётни асосан шакллантириб бўлдилар. Бу мамлакатлар юқори технологияли маҳсулотлар жаҳон бозорининг қарийб 90 фоизини эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ўтган 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан биз бу ғояга кўпроқ эътибор қарата бошладик. Аслида, инновация ишлаб чиқаришнинг олдинги даражасидан анча юқорироқ, янгиликларга асосланган иқтисодий жараён бўлиб, бу тушунча нисбатан чуқурроқ тарихга эга. Бундан 100 йиллар муқаддам асли австриялик АҚШ олими Йозеф Шумпетер биринчи бўлиб иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги фарқни кўрсатган ва “инновация” тушунчасининг таърифини берган эди. Аммо ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларида юз берган Буюк депрессия, ундан кейин эса Иккинчи жаҳон уруши ҳамда урушдан кейинги тикланишлар бу назарияни амалга оширишни анча орқага суриб юборди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан илмий-техник ва технологик жиҳатдан етакчи мамлакатлар постиндустриал жамиятни қурдилар. Постиндустриал жамиятда иқтисодиётнинг инновацияларга асосланган сектори, хизматлар кўрсатиш соҳаси устунлик қилади. Шунинг учун ҳам постиндустриал жамиятни “инновацион иқтисодиёт” деб аташ ҳам қабул

килинган. Инновацион иқтисодиётнинг бош драйвери бўлиб янгиликларни генерация қиладиган, тўплайдиган куч, албатта жамғарилган юқори сифатли, креатив инсон капитали бўлиб хизмат қилади. Агар индустриал иқтисодиётда фойда моддий ишлаб чиқариш ва молиянинг тўпланиши ҳисобига шаклланса, аксинча, инновацион иқтисодиётда фойда ҳамда даромадлар асосан олимлар ва инноваторлар интеллекти, ахборот коммуникацияси соҳалари ҳисобидан яратилади.

Аммо инновация ҳар қандай янгилик эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий оширадиган омилдир. Илм-фан маълум маблағни билим ва ғояга, инновация билим ва ғояни даромадга, пулга, капиталга айлантиради. Ихтиро, кашфиёт – янги концепция яратиш, инновация эса уларни сотиладиган товар ва хизматларга айлантиришдир. Демак, илм-фан ютуқлари, концепциялар тарозидан, бозордан ўтсагина инновация бўла олади, акс ҳолда у жамғарилган билим ва ғоялардан бошқа нарса эмас. Инновация қачонки товар ва хизматлар бозорида сотилсагина, амалга ошган ҳисобланади. Кашфиёт, ноу-хау, ихтиро, патент, лицензия, фойдали моделлар, саноат намуналари, ахборот технологиялари, концепциялар, бошқарув органларига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича тавсиялар ва бошқа шакллардаги илмий натижалар мустақил аҳамиятга эга, аммо улар инновация босқичини босиб ўтгандан кейингина бозор аҳамиятига эга бўлади.

Олдимизда турган вазифа эса янада чуқурроқ ва улканроқдир. *Вазифа* алоҳида инновация эмас, балки миллий иқтисодиётни инновацион, яъни билимлар, интеллектуал, фан сиғими юқори ва ўрта юқори технологияли иқтисодиётга айлантиришдан иборат.

Мамлакат замонавий инновация соҳасига, бозор талабларига жавоб берадиган кучли инновация салоҳиятига эга бўлиши зарур. Биз бу соҳада ривожланган мамлакатлардан бир неча ўн йиллар орқада қолиб кетдик. Бунинг сабаби аниқ. Биз узоқ йиллар давомида экстенсив омиллар (энига ва бўйига ўсиш) ҳисобига “ялпи” натижага эришиб келдик. Чунки бизда бепоён

далалар, чексиз қазилма бойликлар, улкан ва арзон меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, улар инновацияларнинг кўзини ёпиб қўйган эди. Энди эса экстенсив ўсиш омиллари ўз имкониятларини чеклаб, интенсив омилларга ўтишни кун сайин тобора заруратга айлантирмоқда. Чунки ҳамма ресурсларнинг ҳам чеки ва чегараси бор, у қайта тикланмас экан бир кунни поёнига етади.

Энди эса ноанъанавий қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирлар қўллаш орқали орадаги масофани максимал даражада камайтириш керак бўлади.

Дунё бозорида мамлакатнинг тутган ўрни, обрў-эътиборини саноат маҳсулоти умумий ҳажмида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар ҳиссаси, анъанавий ва илғор технологиялар нисбати, экспортда фан сиғими юқори ва ўрта юқори технологиялар улуши, миллий иқтисодиётнинг жаҳон инновацион маҳсулотлар бозоридаги ўрни, миллий иқтисодиётнинг саноат-молия гуруҳларидаги иштироки, миллий иқтисодиётнинг технологик ва рақобатбардошлик даражаси ва бошқалар белгилайди. Кўриниб турибдики, ҳеч бир мамлакат инновациясиз халқаро бозорда ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олмайди. Ахборотлашган жамият, билимлар иқтисодиёти ёки постиндустриал жамият замонавий иқтисодиётнинг қиёфасини белгиламоқда.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш осон юмуш эмас. Бунинг учун биринчи навбатда, инновацион салоҳиятни шакллантириш зарур. Бу эса барча турдаги илмий тадқиқот натижаларини амалий ўзлаштиришни таъминловчи ресурслар ва шарт-шароитлар мажмуини яратиш демакдир. Илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион циклнинг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган бўғинларидир. Бу - ғоянинг пайдо бўлиши – фундаментал тадқиқот – амалий тадқиқот – конструкторлик ва тажриба – технологик ишланмалар – тажриба намуна (нусха) – саноат синови – ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш – сотиш – маҳсулотдан фойда олиш. Демак, инновацион товарга эришиш учун 9-10 бўғиндан иборат бир неча йиллик масофани босиб ўтиш керак. Бунинг учун

нафақат ресурс, балки вақт, сабр-тоқат, мунтазам ишлаш ҳам тақозо этилади. Бу занжирда барча салоҳиятларни бирлаштирувчи умумий бўғин – илмий техника ишланмалари ва уларнинг натижалари, яъни илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) бўлади. Афсуски, бу фаолиятни молиялаштириш имконияти бизда жуда паст даражада.

Агар ҳар йили ИТТКИга Ўзбекистонда 70,7 млн. АҚШ доллари ажратиладиган бўлса, бу кўрсаткич мос равишда Швецияда 16,2 млрд., Россияда 39,9 млрд., АҚШда 599,0 млрд. долларни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясига мувофиқ инновацион ривожланиш асосларини яратиш учун ИТТКИга йўналтириладиган воситаларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 0,25 фоиздан 1-1,5 фоизга ошириш таклиф қилинмоқда. Таққослаш учун Швеция, Австралия, Италия каби мамлакатларда бу кўрсаткич 3,0 фоиздан кам эмас. АҚШда эса 2,74, Хитойда – 2,43, Ирландияда ҳатто 4,3 фоизни ташкил этади. Ирландиянинг инновацион маҳсулотлар экспортидаги устунлиги тасодифий эмас.

Юқорида тилга олинган концепцияда III босқич – (2026-2030 йиллар)да ривожланишнинг инновацион турига ўтиш вазифаси қўйилган. Бунинг учун аксарият кўпчилик иқтисодиёт субъектларида ва фуқароларда инновацион феъл-атворга рағбатни шакллантириш керак.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун қуйидаги индикаторлар – иқтисодий эркинликнинг юқори индекси; таълим ва фан ривожланишининг юқори даражаси; иқтисодиётнинг 4-6 технологик укладга мувофиқ келиши; юқори рақобатбардошли яшаш (ҳаёт) сифати; инсон капиталининг юқори сифати ва қиймати; иқтисодиётнинг юқори рақобатбардошлик даражаси; инновацион корхоналар ва маҳсулотлар улушининг 60-80 % ни ташкил этиши; паст инфляция даражаси (3 %гача); билимлар индустриясининг ривожланиши; қулай тадбиркорлик иқлими; диверсификациялашган иқтисодиёт; инноватор кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш; жозибали инвестиция иқлими; ривожланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган

венчур молиялаш тизими; иқтисодий барқарорлик; фундаментал фанлар ривожига ва бошқаларга эга бўлиш зарур.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу мезонларнинг анчасига Ўзбекистон иқтисодиётида жавоб топилади. Аммо кўпчилик фундаментал тадқиқотларнинг ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этилмаётганлиги, долзарб эмаслигини ҳам истисно этиб бўлмайди. Инновацион иқтисодиётга ўз-ўзидан, осон йўл билан эришиб бўлмаслиги кундай равшан. Гап бу ерда юқори технологияли секторни шакллантириш, давлатнинг инвестиция ва солиқ сиёсатида мунтазам ўзгартиришлар киритиб бориши, наноиндустрия, биотехнология ва генлар инженериясини, ахборот технологияларини ривожлантириш, маблағни нафақат илмий, тажриба конструкторлик ишларига, балки тижоратлаштиришга ҳам сарфлаш устида бормоқда. Инновацион иқтисодиёт – янгиликлар, ўзгаришлар оқими, технологияларнинг доимий такомиллашуви, юқори технологияли, яъни фан сиғими юқори товарлар, хизматлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, юқори қўшимча қиймат ҳосил қилишга йўналтирилган иқтисодиёт демакдир.

Бу мақсад йўлида, биринчи навбатда, бир қатор тўсиқлар ва қийинчиликларни, жумладан, молиявий воситаларнинг етишмаслиги; малакали инноватор ва венчурист кадрларнинг камлиги; янги техника ва технология ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги; инновацион маҳсулотлар бозорининг торлиги; янгиликни жорий этиш харажатларининг юқорилиги; корхоналарнинг инновацион тизимга ўтишга тайёр эмаслиги каби ҳолатларни бартараф этиш керак бўлади.

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хусусий сектор (корхоналар) роли ва аҳамиятининг ошиши муҳим. Ҳамма ишни давлатнинг кучи ва қудрати билан ҳал қилиб бўлмайди. Албатта, жараёнда давлат кузатувчи эмас, балки “энага” ролини бажаргани маъқул. Бу борада давлат “ўйин” қоидаларини, рағбатлар механизмининг яратиш бериши аҳамиятли.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ривожланишга кучли туртки

берадиган ва ташқи бозорда рақобатбардошликни таъминлайдиган инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича фармонлар, қарорлар, мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди. 2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони [1] қабул қилинди. Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилди. Инновация драйверларидан ҳисобланадиган Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги қайта ташкил қилинди. Натижада интерактив хизматлар кўрсатиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Интернетнинг ўтказувчанлик ва тезлик даражаси ошмоқда. Инновацион турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда. Қатор олий ўқув юртларида, хориж университетлари филиалларида инноватор кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига биноан давлат балансидаги ташландиқ корхоналар ўрнида барча вилоятларда тегишли имтиёз ва преференциялар билан таъминланган кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Кластер, индустриал парк (технопарк), ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси, саноат агломерацияси, эркин иқтисодий зоналар каби янги ишлаб чиқариш турлари пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5621-сон фармонига [2] мувофиқ кичик саноат зоналари иштирокчилари учун қатор қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги “Тошкент шаҳрининг Яшнабод туманидаги инновация технопарки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 468-сон қарори билан [3] Яшнобод

туманида инновацион технопарк ташкил қилиш вазифаси қўйилган. Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳар бир корхона Яшнобод технопарки резиденти бўлиши мумкин. Технопарк резидентларига солиқ имтиёзлари ҳамда кредит олиш имконияти кўринишидаги преференциялар берилади. Хужжатларга мувофиқ бутун Тошкент шаҳри ҳудуди шартли равишда инновацион зонага тенглаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17-сон қарорига [4] мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Информацион технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги муассислигида Тошкентда дастур маҳсулотлари ва ахборот технологиялари (IT) парки ташкил этилади.

Технопарк – бу инновацион майдон бўлиб, етакчи илмий тадқиқот институтлари ва университетларининг илғор илмий ишланмаларига асосланиб тез ривожланаётган бозорларга кириб бориш имкониятини беради. Бугунги кунда ташкил этилаётган агросанаот кластерлари ўз резидентларига бизнес миқёсини оширишга шароит яратади.

Технопарк резидентлари кенг фан сифими юқори ишланмаларни тижоратлаштиради, чунки инновацион фаолият янгиликни яратишдан уни ўзлаштириш ва тижоратлаштиришгача бўлган йўлни босиб ўтиши керак.

Илмий-технологик парк стартаплар, бизнес, олимлар ва инвесторлар ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун ноёб платформа ҳисобланади.

“Хоразм” технопарки ҳукумат қарори билан 2019 йил 15 июлда Урганч Давлат университети ҳузурида ташкил этилди.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Ҳиндистоннинг илғор тажрибаси асосида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ташкил этилиши кўзда тутилган. Технопаркнинг асосий вазифалари: стартапларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, венчур молиялаштириш орқали қўмаклашиш; маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишга

ёрдамлашиш; стартапларга зарурий инфратузилмани яратиб бериш; мастер-класслар ва бошқа таълимий тадбирларни ўтказиш ва бошқалар.

Технопарк резидентлари давлат маблағлари ҳисобидан ўзининг лойиҳаларини молиялаштиради, улар 2028 йилгача барча солиқлар, божхона ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилган.

Стартап бу – “ёриб ўтиш”, янги технологиялар билан узвий боғлиқ, лекин асло “гараж” бизнеси эмас. У барча иқтисодиёт соҳаларида бўлиши мумкин, мақсади эса вақтни қисқартириш. Юқори технологияли тармоқларда Hi-Tech – стартап номини олади. Таъкидлаш жоизки, стартап оддий бизнес эмас, инновацион асосдаги бизнес. У илгари умуман маълум бўлмаган бизнес. Асосийси у: ғояни экиш – уни ишга тушириш – ўсиш босқичи – кенгайтиш – маҳсулот ишлаб чиқариш каби беш босқичдан иборатдир.

Стартапнинг пайдо бўлиши даврида инвестор ўз маблағини ғояга киритади. Стартаплар ишлаб чиқарган янги маҳсулот дастлаб бозорда монопол мавқега эга бўлиши мумкин. Лекин бу хавfli эмас. Европа ва АҚШдаги бренд компаниялар (“Apple” ва бошқалар) ўз фаолиятини стартап сифатида бошлаган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қандайдир ғояни трансформация қиладиган ёки мавжуд маҳсулотни яхшилайдиган стартаплар аксарият ҳолда таназзулга учрайди.

Мамлакатимизда стартаплар ҳали қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ соҳаларда йўқ. Бундай лойиҳалар учун энг истиқболли соҳалар сифатида “яшил технология”, соғлиқни сақлаш, доришунослик, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўрсатиш мумкин. Улар IT билан боғлиқ бўлганлиги учун имкониятлари чексиз.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Жамият шиддат билан илгарилаб кетмоқда. Бунинг устига, бой берилган вақтни қоплаш зарур. Ҳар ўн минг киши бошига тўғри келадиган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларида банд ходимлар сони ривожланган мамлакатларга нисбатан 2-3 баробарга пастлигини таъкидлаш зарур. Бундан ташқари ҳали мамлакат

ялпи ички маҳсулоти таркибида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) улуши жаҳон ўртача кўрсаткичидан икки баробардан зиёдрокқа пастроқдир.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон юқори технологияли, қўшилган қиймати юқори инновацион товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда локоматив бўла оладиган ўз Кремний (Силикон) водийсига эга бўлиши лозим. Бундай водий Навоий, Чирчиқ, Ангрен каби шаҳарлардан бирида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу шаҳарларда тайёр инфратузилма, логистика, илмий-техника салоҳияти бор. Уларга кенг миқёсда венчур капитали ва мутахассисларни жалб этиш осон кечади. Инновацион водий бошқа ҳудудлардаги инновацион кластерларга халақит бермайди, балки уларга ёрдам кўрсатади, бу соҳада етакчи бўлади.

Эндиликда бутун дунёда иқтисодий тараққиётнинг боришини инновациялар белгиламоқда. Бу тенденция билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1.2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь ПФ-5544-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2018. – № 38. – Б. 7–10.

2.Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январь ПФ-5621-сон Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2019. – № 1-2. – Б. 80–84.

3.Тошкент шаҳрининг Яшнабод туманидаги инновация технопарки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июль 468-сон Қарори //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – Тошкент, 2017. – июль. – Б. 66-69.

4.Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январь 17-сон Қарори //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – Тошкент, 2019. – январь. – Б. 162-165.